

ҳолатларининг олдини олиш, бу йўналишдаги ушбу жиноятларга қарши курашишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қ.Турсунов “Ҳисоб палатаси Давлат молиявий назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштиради”. Дўстлик байроғи газетаси 2023 йил 32 сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғриси”даги Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**Имонқулов Нуридин**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда бирламчи тиббий хизматлар алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Уларнинг давлат бюджетидан молиялаштирилиши давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажаришида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатда бепул тиббий хизматларни таъминлаш доирасида профилактик тадбирларни олиб бориш бирламчи тиббий хизматларни молиялаштириш билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли” деб белгиланган. Мазкур қоиданинг белгиланиши ҳар бир фуқаронинг профилактик тиббий хизматлардан фойдаланишида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, фуқаролар саломатлигини таъминлашда бозор тамойилларининг ривожланиши билан молиялаштириш манбалари ҳам тизимлашиб боради. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги 265-I-сон Қонунига кўра давлат томонидан тиббий хизматларни молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

- давлат бюджети маблағлари;
- тиббий сугурта маблағлари;
- фуқароларнинг соғлигини сақлашга мўлжалланган мақсадли фондларнинг маблағлари;

- даволаш-профилактика муассасаларининг давлат томонидан кафолатланган ҳажмидан ортиқча тиббий ёрдам кўрсатганлик учун ва пуллик хизматлар кўрсатганлик учун олинган маблағлари;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахсларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига ихтиёрий ва хайрия бадаллари;
- банкларнинг кредитлари;
- қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан соғлиқни сақлаш тизимида натижаларни бошқаришга нисбатан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Уларнинг илмий хulosаларида тиббий хизматларни молиялаштириш масаласида натижа мезонларини ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлсада, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш юзасидан яхлит хulosалар кузатилмаган.

О.Назарматов ўзининг диссертациясида тиббиёт муассасалари фаолиятини бошқаришга нисбатан инновацион ёндашувларни ишлаб чиқишига ҳаракат килади. Унга кўра, бошқариш жараёнлари учта шаклда шакллантирилиши қайд этиб ўтилади. Биринчидан, ресурсларни бошқаришда ўтган давр салоҳиятига таяниш; иккинчидан, бизнес-жараёнларни бошқаришда жорий тенденцияларга эътибор қаратиш; учинчидан, истиқболни акс эттирган қелжакни бошқаришни назарда тутиш билан ифодалаб берилади [2].

С.Рахимова ўзининг тадқиқотида тиббий хизматларнинг ривожланиши натижасида тиббий мезонларнинг ривожланишига нисбатан ёндашувларни асослаб беради. Жумладан, “Аҳоли жон бошига реал ва умумий даромадлар ҳам муҳим ижтимоий омил сифатида қараб чиқилди. Бунинг учун иккита сабабни кўрсатиб ўтиш мумкин, биринчидан аҳоли даромадлари ошиши уларнинг тиббий меъёрларга риоя қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини оширса, иккинчи томондан хусусий сектор улушининг ошиб бориши тиббий хизматлардан фойдаланишда хизмат нархи ҳамда аҳоли даромадларини муҳим омиллардан бири бўлишига олиб келади [3]”, деб қайд этиб ўтади.

Л.Цхай ўзининг тадқиқотида ўртacha умр кўриш давомийлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилган. Унинг хulosасига кўра, “Тошкент шаҳри аҳолисининг социологик сўров натижалари кўрсатишича, умуман олганда, шаҳар аҳолисининг учдан бир қисми ортиқча вазндан азият чекади, бунда эркаклар 6% - кичик фарқ билан пешқадамлик қилишди. 60 фоиздан ортиғи ўзининг артериал қон босими (АБ) ҳолатидан умуман бехабар, негаки бу уларни ташвишга солмайди. Худди шу гурух ўзининг АБ ҳолати ҳақида тиббиёт ходимларидан ҳеч қачон ахборот олмаганлиги ҳам маълум. Боз устига, 50 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг ярми кўпинча уларга тайинланган дори препаратларини ичишмайди [4]” дея таъкидлаб ўтади.

М.Асқарова сўровномалар асосида эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатларини ўрганиб таҳлил қилган. Сўровнома натижаларига кўра Респондентларнинг аксар қисми никоҳ ёши қизларимиз учун 20-22 ёш, йигитлар учун 23-25 ёш энг мақбул ёш деб ҳисоблашган. Бундан ташқари 18 ёш қизлар ва йигитлар учун эрта ёш ҳисоблашиб, улар болалигини унутмаган, асосий қисми касб эгалиги йўқ, мустақил фикрга эга эмас деб изоҳлашган. Тадқиқотчи аёл учун эрта никоҳга кириш ва бунинг натижасида барвақт ҳомиладорлик ва туғиш унинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, жумладан, қизларга ҳаётнинг турли соҳаларида ўзини намоён қилиши учун имкониятлар ва таълим олишни чеклайди деб изоҳлайди.[1]

Фикримизча, тиббий хизматларнинг натижаларини аниqlашда кўп омилии компонентларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Бу борада, бирламчи тиббий хизматларни бюджетдан молиялаштиришда мезон кўрсаткичларини ишлаб чиқилиши назарда тутилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиздаги даволаш-профилактика муассасаларини бюджетдан молиялаштириш тенденцияларини таҳлил қилишга ва уларнинг айрим натижага мезонларини тадқиқ этишга ҳаракат киласиз.

Давлат бюджетидан молиялаштиришда асосий тамойил сифатида натижани эмас, балки харажатни молиялаштириш амалга ошириб келинади. Бу эса, натижага мезонларини ишлаб чиқишга нисбатан пассив тарзда тўсиқ бўлиб келган бўлиши мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сонли қарорида “натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” методининг бюджетдан молиялаштириш асосиларига нисбатан қўлланиши белгилаб берилди. Натижада, бюджетдан молиялаштиришда натижага мезонларини ишлаб чиқишга бўлган зарурат вужудга келди.

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида, оралиқ илмий хулосалар шаклида қўйидаги ёндашувларни шакллантиришга ҳаракат килдик:

Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизими니 молиялаштиришда иш ҳақи ва унга ажратмалар ҳажми бир текис ошиш тенденциясини кўрсатмоқда. Иш ҳақи ва унга ажратмалар улушининг камайиб бориш тенденцияси 2020 йилдан яна ўса бошлаган.

Давлат бюджетидан молиялаштиришда дори-даромон воситалари учун харажатларнинг улуши озиқ-овқат харажатларига нисбатан сезиларли ҳажмда кўпроқ бўлмоқда. Бу эса, бирламчи профилактик тиббий хизматлар учун харажатларнинг ошиши ва шунингдек, вакцинация тадбирлари кўлами ўстанлиги билан изоҳланиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Асқарова М.И. Эрта никоҳ ва унинг оқибатида юзага келаётган муаммолар SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 3 | ISSUE 8 | 2022 ISSN: 2181-

1601(file:///C:/Users/golishev/Downloads/erta-niko-va-uning-o-ibatida-yuzaga-kelayotgan-muammolar.pdf)

2. Назарматов О.С. Соғлиқни сақлаши соҳасини бошқарии механизмини тақомиллаштириши: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ФарПИ, 2020. – 56 б.
3. Раҳимова С.М. Тиббий хизматлар бозори ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини тақомиллаштириши: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Урганч.: УрДУ., 2022. – 58 б.
4. Цхай Л.А. Ўзбекистон аҳолисининг кутилаётган умр кўриши давомийлиги истиқболлари ва ҳамда ўлим даражасининг демографик ваижтимоий-иқтисодий жиҳатлари: и.ф.б.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ., 2019. – 50 б.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кенжасев Соҳиб

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими

Давлат тиббий суғуртаси дастлаб вужудга келган давлатларнинг аксарият тажрибаларида ижтимоий ҳимоя функциясини бажариши жиҳатидан эътибор қаратилди. Уни жорий этишда меҳнатда майиб бўлиш, кам даромадли аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби мақсадларни ўзида акс эттирган тарзда вужудга келди. Натижада, кўплаб мамлакатлар ижтимоий ҳимоя дастурларини таркибида тиббий хизматларни таъминлашда давлат тиббий суғурта тизимидан фойдалана бошлади. Бу эса, ижтимоий сиёsatни ишлаб чиқишида тиббий хизматларни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришнинг замонавий шаклларини жорий этишни тақозо этди.

Ўтган асрда саноатнинг ривожланиши ва қўл меҳнатининг сақланиб қолиниши билан инсонларнинг соғлиғига таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд бўлди. Натижада, фуқароларни тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжларини кафолатлаш зарурати шаклана бошлади. Шу боисдан, давлат ижтимоий суғурта механизмларини жорий этишда иш берувчиларга нисбатан ҳам айrim мажбуриятларни ишлаб чиқишига тўғри келди. Ҳозирги кунда айrim давлатларда бюджет маблағлари билан бирга хусусий маблағлардан ҳам давлат тиббий суғурта бадалларини молиялаштиришда фойдаланиш амалиётлари мавжуд.

Г.Каррин ўзининг тадқиқотида давлат тиббий суғуртасининг аҳамияти тўғрисида қайд этиб ўтади. Унинг хулосаларида саноати ривожланган мамлакатларда давлат тиббий суғурта ижтимоий ҳимоянинг асосий компоненти сифатида жорий этилганлигини таъкидлаб ўтади. Жумладан, 1998 йил ҳолатига ривожланаётган давлатларнинг бирортаси ушбу тизимдан фойдаланмаган, ўртачадан кам даромадли мамлакатлардан эса фақатгина Коста-Рикада татбиқ этилганлигини кўрсатиб ўтади [1].

Давлат ижтимоий сиёsatни амалга оширишда суғурта механизмларини жорий этиш имконияти мавжуд бўлиши давлатнинг тартибга солувчи ролини мустаҳкамлашга бўлган зарурат сақланиб қолади. Шу нуқтаи назардан, давлат